



Иқтисодий,
ижтимоий-сиёсий,
бадний-оммабоп

Asaka hayoti

Газета 1930 йил, 15 сентябрдан чиқа бошлаган.

2024 йил, 13 январь, № 1 (7713).

ISSN 2110

“Янги ҳаёт учун, янги Ўзбекистон учун!” шиори остида давлатимиз раҳбари Ш.Мирзиёевнинг халқимиз орасида маданият ва маърифатни янада юксалтиришга қаратилган ташаббуслари билан Асака туман тиббиёт техникаси бирлашмасида маданий-маърифий тадбирлар ташкил этилди.

"Маҳаллада дув-дув гап"

Таниқли санъаткорлар, маданият ва санъат вакиллари янги йилнинг байрамона кайфиятини зўр шодиёна билан давом эттирдилар.



ИБРАТ ЙЎЛИ СОҲИБЛАРИ

ёки Орифжон Юлдашев

портретига айрим чизгилар



Орифжон Юлдашев деганда кўпчиликнинг кўз ўнгига шижоатли ва жонкуяр ички ишлар ходими гавдаланади.

14 январь - Ватан ҳимоячилари куни муносабати билан Асака тумани "Файз" маҳалла фуқаролар йиғинида яшовчи фахрий устоз, Андижон вилояти ИИБ бошлиғининг маслаҳатчиси подполковник Юлдашев Орифжон ҳожи акани яшаш хонадонига бориб байрам билан табриклаган бир гуруҳ шогирдлари ва ёшлар

байрам баҳонасида устоз билан дилкаш мулоқот қурдилар.

Сухбат давомида Орифжон Юлдашев ҳаёт йўли, касбга садоқат, сабот ва матонат ҳақида мароқ билан гапириб берди.

Чиндан ҳам, О.Юлдашевни оддий инсон сифатида ҳам замонамиз қаҳрамонлари

сирасига киради, дея муболағасиз эътироф этишимиз мумкин ва фурсатдан фойдаланиб бугунги кутлуғ сана билан самимий қутлаймиз.

Хизмат тақозоси юзасидан "Қурама" маҳалла фуқаролар йиғинида бўлганимизда Орифжон акани маҳалла фаоллари билан елкадош бўлиб, муаммоларини ҳал қилиш ташаббусларини қуончақлик билан амалга оширилишига бош-қош бўлаётганига кўп бора гувоҳ бўлгандик.

МАҲАЛЛА - ҲАЁТИМИЗ КЎЗГУСИ



Вилоятимиз миқёсида "Обод хонадон - обод кўча - обод маҳалла" мезонларини жорий этиб, маҳаллалар инфратузилмаларини яхшилаш мақсадида 4 та тумандан, биттадан маҳалла танлаб олинган.

Асака туманидан танлаб олинган "Эргашобод" маҳалла фуқаролар

йиғинида ҳам амалий ишлар бошлаб юборилган.

"Эргашобод" маҳалласининг "Соҳибкор" кўчасида "Обод маҳалла" дастури асосида амалга оширилиши режалатирилган ишлар ҳақида маҳалла аҳли билан маслаҳатлашувлар олиб борилмоқда.

ИСЛОҲОТЛАР ИЗЧИЛЛИГИ - МАҲАЛЛАДА

Маҳалла фуқаролар йиғинларидаги эҳтиёжманд ва муҳтож аҳоли муаммоларини "хонадонбай" усулда ўрганишнинг хатловдан ўтказиш жараёнлари манзилли ишлашда муҳим омил бўлмоқда.

"Оқбўйра" маҳалла фуқаролар йиғини "олтилиги"нинг аниқ ишларни ҳамжиҳатликда ташкил этиши кўлаб маҳалладошларга маъқул келиб, ночор оилаларни аниқ манзилли қўллаб-қувватлаш ва зарур ижтимоий мадад кўрсатишда ижобий негиз бўлиб хизмат қилмоқда.

Х.ИРОИЛОВ, тумани Матбуот хизмати раҳбари.



Мардлик, жасорат ва орият тантанаси

Асака туманининг "Ниёзботир" маҳалла фуқаролар йиғинида жойлашган 25-ДИМИда 14 январь - Ватан ҳимоячилари куни ҳамда Ўзбекистон қуролли кучлари ташкил этилган қутлуғ сана муносабати билан ҳарбий-маърифий байрам тадбири кўтаринки руҳда ўтказилди.

Меҳнат фахрийлари, нуронийлар, маҳалла жамоатчилиги ва ёшлар иштирок этган мазкур тадбир Ватанни кўз қорачиғидек асраш, уни муносиб ҳимоя қилиш ва жамиятимизда ватанпарварлик руҳини янада юксалтиришга қаратилди.

Ёшларга янага кенг имкониятлар яратилди

2024 йил “Ёшлар ва бизнесни қўллаб-қувватлаш йили” деб ном берилиши замирида жуда чуқур маъно мужассам. Зеро, навқирон авлод-давлат ва жамиятнинг ҳал қилувчи кучи қолаверса, бизнесни кенг ривожлантириш ва шу орқали иқтисодий барқарорликка эришиш бугунги кунда муҳим масаладир.

Айни чоғда йигит-қизларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлайдиган, ҳаётда муносиб ўрин топиши учун



қўмак берадиган узиликсиз тизим яратилди. Ҳар қандай жамият та-

раққиётида унинг келажагини таъминлайдиган ёш авлоднинг соғлом ва баркамол, ҳар томонлама етук, замонавий билим ва ҳунарларни пухта эгаллаган, шижоатли бўлиб вояга етишиш ҳал қилувчи ўрин тутати. Асосий қонунимизда давлат ёшларининг шахсий, сиёсий, иқтисодий, маданий, экологик ҳуқуқлари ҳимоясини таъмин-

лаш, уларнинг жамият ва давлат ҳаётида фаол иштирок этишини рағбарлантириш белгиллаб қўйилган. Асосий қонунимизда бизнесни қўллаб-қувватлаш бўйича ҳам алоҳида моддалар мавжуд. Айниқса ёшлар масаласига бўлган эътибор янада кучайиб, ижтимоий соҳалар ривожига мутлоқо янги босқичга кўтарилади.

Шахнозахон СИДДИҚОВА,
Ўзбекистон ХДП Асака туман
кенгши ижрочи котиби:

Aholini ro'yxatga olishda maxfiylik va xavfsizlik choralari

Ro'yxatga olish doirasida har bir shaxs va mamlakatning har bir uy xo'jaligi to'g'risidagi ma'lumot to'planadi. Aholini ro'yxatga olish shaxslarning shaxsiy hayotlari bilan qiziqmaydi. Aholini ro'yxatga olishning maqsadi jamiyat va aholi guruhlari haqida statistik ma'lumotlarni ishlab chiqishdan iborat. Shu asosda jamoatchilik shaxsga doir ma'lumotlarning maxfiyligini saqlanishiga ishonch hosil qilishi kerak. Ismlar, manzillar va Shaxsiy Identifikatsiya Raqamlari shaxsiy identifikatorlarni ro'yxatga olish natijalarini paydo bo'lishiga yo'l qo'ymasligi va boshqa ma'lumotlardan imkon qadar tezroq chiqib ketishi uchun aholini ro'yxatga olish jarayonida oshkor qilinmasligi kerak. Maxfiylik talabi ro'yxatga olish jarayonida to'ldirilgan ro'yxatga olish varaqalarinihimoya qilish va ularni qayta ishlash va yakuniy materiallar va nashirlarda mavjud bo'lgan ma'lumotlarni himoya qilish bilan yakunlangan aholini ro'yxatga olishning barcha bosqichlarini qamrab oladi. Jamoatchilik tomonidan taqdim etilgan ma'lumotlarni qayta ishlash jarayonlarida ro'yxatga olish organlari xodimlar va ular tomonidan ro'yxatga olish ishlarini o'tkazishda

ishtirok etish maqsadida yollangan barcha shaxslar tomonidan to'liq maxfiylik tamoyillariga rioya qilishlari kafolatlanishi kerak. Ko'pgina mamlakatlarda bunday axborotni himoya qilishni ta'minlaydigan ichki qonunlar, xususan, ro'yxatga olish qonunchiligi yoki ma'lumotlarni himoya qilish va axborot erkinligi bilan bog'liq umumiy qonunchilik shaklida bo'ladi.

Davlat statistika qo'mitasi hamda tegishli vazirlik va idoralar xodimlari tomonidan MDH va boshqa ko'plab xorijiy mamlakatlar tajribalarini o'rgangan holda ishlab chiqildi hamda Qonunchilik palatasi tomonidan 2019 yil 21 noyabrda qabul qilindi, Senat tomonidan 2020 yil 28 fevralda ma'qullandi O'zbekiston Respublikasi Prezidenti tomonidan 2020 yil 16 mart kuni O'RQ-611-son bilan qabul qilindi. Qonunning 10-moddasida “Aholini ro'yxatga olishning shaxsga doir ma'lumotlari maxfiy bo'lib, respondentning roziligisiz oshkor etilmaydi va tarqatilmaydi” deb belgilab qo'yilgan.

Bekmurod G'ULOMJONOV,
Andijon viloyati statistika
boshqarmasi Ro'yxatga olish
jarayonlarini tashkil etish va
o'tkazish bo'limi boshlig'i.

2024 ЙИЛ - "ЁШЛАР ВА БИЗНЕСНИ ҚЎЛЛАБ-ҚУВВАТЛАШ ЙИЛИ"

Бизнесни ривожлантириш банки вилоят бошқармаси ҳамда Маҳаллабай ишлаш ва тадбиркорликни ривожлантириш вилоят бошқармаси томонидан Асака туманида ҳоким ёрдамчиларига ўқув-семинари ўтказилди.

Семинарда кичик бизнесни ривожлантириш бўйича тадбиркорлик қилиш истаги бўлган шахсларга ва амалдаги тадбиркорлик фаолиятини кенгайтиришни истаган хўжалик юритувчи



субъектларга имтиёзли кредитлар олиш тўғрисида тушунчалар етказилди.

Р. ОТАБОЕВА.

Ботулизм асаб тизими орқамиянинг оғир шикастланиши билан кечадиган овқатдан захарланиш ҳолати ҳисобланади. Касаллик қўзғатувчиси спора ҳосил қилувчи ботулизм бактерияларидир. Табиатда асосан тупроқда мавжуд бўлган ботулизм бактерия споралари анаэроб муҳитга тушиб қолгандан кейин токсин ишлаб чиқаришни бошлайди. Аҳоли ўртасида уй шароитида мева ва сабзавотлардан консерва маҳсулотларини тайёрлаш жараёнида тупроқ заррачаларидаги мавжуд ботулизм таёқчаларини тўлиқ зарарсизлантириш учун шароит мавжуд эмаслиги натижасида ушбу касаллик

лан бирга одамлар меъдаси (ошқазон ичак тизими)га тушади. Захар қонга сўрилиб, бутун организмга тарқалади. Захар одам ошқазон ичак системалари, нерв системаларига чуқур таъсир кўрсатади.

Касалликнинг аломатлари захарланган таом истеъмол қилингандан сўнг 2 соатдан 6-8 соатгача сезилиши мумкин. Унинг яширин формасида бу муддат янада чўзилади, вақтида билинмаслиги оқибатида яқинлашиб келаётган фожени олдини олиш бир мунча қийинлашади, инсон ҳаётдан кўз юмиши учун 0,3 мг ботулотоксин кифоя қилади.

Касаллик кўпинча тўсатдан

БОТУЛИЗМ ИНСОН ҲАЁТИ УЧУН ХАВФЛИ

келиб чиқиши мумкин. Касаллик фекаль-ораль ёки маиший мулоқот йўли орқали юқади, асосан ботулотоксин билан захарланган озиқ-овқат маҳсулотларини истеъмол қилиш натижасида келиб чиқади.

Ботулизм касаллигини олдини олишда бир қанча муаммолар мавжуд. Табиатда мавжуд бўлган спора ҳосил қилувчи ботулизм таёқчалари анаэроб шароитида кўпаяди, ривожланади ва ўзидан ботулотоксин ишлаб чиқаради. Айниқса қўзиқорин, бодринг, помидор маҳсулотларидан консерва маҳсулотлари тайёрлашда ниҳоятда эҳтиёт бўлиш зарур.

Ботулотоксин мавжуд бўлган консерва маҳсулотлари ташқи кўриниши, ранги қопқоғининг ҳолати, мазаси бўйича зарарланмаган консерва маҳсулотларидан деярли фарқ қилмаслиги мумкин. Шунингдек уй шароитида консерва қилингандан етарлича харорат бўлмайди. Маҳсулот кўпинча узоқ қайнатилмайди. Натижада ботулизм таёқчалари қулай шароитда тез ривожланади ва ўзидан кучли микроб захар (токсин) ажратади. Ботулизм микроби ва захри овқат би-

бошланади, бемор кўйни айниб қайт қилади, богши оғрийди, айланади, дармони қуриб қўл оёқлари бўшади. қорин оғрийди, баъзан ичи кетади. Беморнинг кўриши хиралашади, қовоқлари осилиб тушади, атрофдаги нарсалар иккита бўлиб кўринади. Кўз олдидан туман пайдо бўлади, овқат ютиш ва нафас олиш қийинлашади. Бемор тез орада тегишли шифокорга олиб борилмаса салбий оқибатларга хатто ўлимга олиб келиши мумкин.

Касалликнинг олдини олишнинг бирдам бир йўли уй шароитида консерва маҳсулотларини имкон қадар тайёрламаслик керак. Истеъмол учун заводларда ишлаб чиқарилган, сифати кафолатланган консерва маҳсулотларини олиш мақсадга мувофиқ ҳисобланади.

Касалликнинг белгилари пайдо бўлганда зудлик билан шифокорга мурожаат қилишни унутмаслик керак. Ўзбошимчалик билан уй шороитида даволанишга ҳаракат қилиш нохуш оқибатларга олиб келади.

Ш.ШОМИРОВА,
Туман санитария-эпидемиология осойишталик маркази
бош шифокори.

ЮРАКДА ҚОЛГАН МУҲАББАТ

Икки томчи ёш

Соат ўндан ўтган эди. Назирхон эрталаб соғилган сутни сепаратордан чиқариб бўлди. Энди қўлларини ювиб бўлганда, дарвоза томондан

- Ҳожи бобо! Хў-ў, ҳожи бобо! - деган овоз келди.

У тез туриб дарвозани очди. Чақирган одам ёш бир йигит экан: қош -кўзлари қора, оқ юзли, чиройли. Кийган либослари ҳам ўзига ярашган. У рўпарада турган оқ “Нексия”нинг олди капотига суяниб турипти. Йигит Назирхонни кўрди-да:

- Ассалому алайкум, ая! Солижон ҳожи бобонинг уйлари шуми, -деди уялгансимон.

-Ҳа, шу! Келинлар!- деди. Бу гапни эшитган йигит машинанинг орқа эшигини очиб:

-Буви, тушинг! Келибмиз! Ҳожи бобонинг уйи шу экан!-деди. Машинадан тўладан келган, оқ юзли, кўзлари катта-катта, пешонаси кенг, қадди-қомати келишган, одмигина кийинган, оқ рўмолли, етмиш-саксон ёшлар орасидаги аёл тушди. Назирхон пешвоз бориб:

-Келнг, ая? Саломатмисиз? - деб қўл узатди. Буларнинг меҳмонлиги аниқ. Шу сабаб.

-Қани, ичкарига! - деди-да, дарвозанинг ҳар икки қанотини очди. У томонга, бу томонга қараб турган шофёр йигитга:

-Ука, машинани ҳам олиб кириг! Офтобда турмасин! - деб ўзи олдинга қараб юрди.

Назирхоннинг хаёлидан: “Булар ким бўлди? Узоқдан келишгани аниқ. Қайнотамнинг қариндошлариданмикин?” - деган савол ўтди. Йигит машина моторини ўчиргандан сўнг ҳалиги ая буйруқ оҳангида:

-Шерзодбек, ҳалиги тугунларни мана бу аянгга олиб бер! Ичкарига қўйишиб чиқ! - деди-да, кўздан чиққан икки томчи ёшни артди. Биров кўрмади.

Меҳмонлар ясалган, салқин, баҳаво уйга кирди. Деразаларнинг пардалари икки томонга тортилди, қанотлари очилди, тоза ҳаво кирди. Иморат баланд қилиб қурилгани учун рўпарадаги темир сўкичакларда осилиб турган келин бармоқ узум бошлари меҳмонларни томоша қилаётганга ўхшарди. Фотиҳа ўқилди. Меҳмон ая:

-Қизим, айбга буюрмайсиз: Сиз Солижон акамнинг қизимисиз, келинимисиз? - деди рўмоли билан елпиниб туриб.

-Мен келиниман, - деди Назирхон қўлларини кўксига қўйиб.

-Солижон акам қанилар? Қайнонангизчи?

-Дадамнинг шаҳардаги бир дўсти қиз чиқараётган экан. Шунинг нонуштасига кетган эди. Келаётгандур. қайнонам қазо қилган. Меҳмон юзига фотиҳа тортди.

-Мен чой қуяй. Сизлар дам олиб туринлар! - деган эди, Назирхонни меҳмон тўхтатди.

-Чойни секин ичамиз. Мана бу менинг набирамга ҳоли жой қилиб беринг. Озгина ухласин. Чарчади. Саҳар турганмиз, - деди. Назирхон меҳмонхонага олиб кириб, диванга жой қилиб берди. Парқу болишга суяган меҳмон ая дам олиш ўрнига уйдаги жиҳозларни, гардиобларга дид билан терилган чинни идишларни, китоб жавонидаги турли хил китобларни, деворга осилган лоларанг гилам ўртасидаги Солижон ака билан хотинининг бирга тушган расмини икки бир ҳиссиёт, икки бир ачиниш билан кузатиб ўтирди.

Ёшлигида ўилган хатосига афсусланди. Кўзига ёш олди. Дарҳол артди.

Назирхон меҳмон билан гаплашиб ўтирсин деб, ён ўйшниси Мастураҳон ҳожи аяни айтиб чиқди. Ҳожи ая меҳмон билан қуюқ сўрашди. Ўтириб юзига фотиҳа тортди. “Хуш келибсиз!” - деди тавозе билан.

Дастурхон солинди. Чой айланди, нон синдирилди. Ҳамма ҳайрон: бу ким? Сўхбат орасида:

-Биз Қўқондан келдик. Ҳалиги йигит набирам. Мени олиб келди. Исмим - Холидаҳон. Мен 1952-56 йиллари Солижон акам билан университетда бирга ўқиганман. Жуда эрка қиз эдим. Фанларни яхши ўзлаштира олмасдим. Солижон акам ёрдам берарди. Айниқса, курс ишларимни, диплом ишимни ёзиб бергани мени хурсанд қилган. Шу хизматларини кеч бўлса ҳам, рози қилиб қўяй, деб келдим, - деди Холида ая дастурхон четини буклаб ўтириб уялгансимон.

-Жуда яхши! Кеч бўлса ҳам, шунча йиллар ўтса ҳам ҳожи бобонинг ёрдамлари ёдингиздан чиқмабди. Раҳмат! - деди Мастура ая чой узатар экан.

-Энди, - деди меҳмон кулиб, - Солижон акам келса, индамай турасизлар, мени танирмикин!-деб кулди.

-Ая, дадам жуда ўзгариб кетган. Айниқса, Ҳажга бориб келгандан кейин бошқача бўлиб кетган, - деди Назирхон.

-Башарти, икковлари бир-бирини танишмаса, юраклари таниса керак. Кўзлар кўзга тушганда, албатта, юрак бесаранжом бўлади, - деди ҳожи ая кулиб. Хонада кулгу кўтарилди. Бу гап билан ҳожи ая ўрталарида муҳаббат ришталари бормикан, деб гумон уилган эди. Ҳа, бор экан, Холида аяда озгина ўзгариш рўй берди. Меҳмон сўзамол, хушчақчақ, кўнгли очик бўлгани учун измонлар билан эски қадрдонлардек сўхбатдош бўлиб қолди. Солижон бобо дарвозадан кирганда, катта уйда аёллар кулишаётган эди. У ҳайрон бўлди: булар кимлар? Дарвозахонадаги “Нексия”нинг номери Фарғона вилоятиники. Назирхон қайнотасига:

-Дада, меҳмон келди. Сизни йўқлапти, кириг! - деди. Ҳожи бобо останада ўтиши билан ўтирганлар “гурр” этиб ўринларидан турди.

-Келинлар, меҳмонлар! Келинлар! Ассалому алайкум! Яхшимисизлар! ўтиринлар! - деди.

-Ҳожи ака, меҳмонни таништирайми ё ўзингиз та-

ниб оласизми! - деди Мастура ая.

Унгача Холида ая Ҳожи бобонинг ёнига ўтди. Олдин қўлини узатди, сўнг елкасидан зиёрат қилди.

-Ассалому алайкум, Солижон ака! Йўқ, узр, Ҳожи ака! - деди ерга энгашиб, юзини кўрсатмай Холида ая. Кўзидаги намни артди.

-Ие, ие! Вой! Холидаҳон-у!... Танидим!

Овозингиздан танидим ... қандай шамол учирди? - деди.

-Қўқоннинг шамоли учирди! - деди бошини кўтариб куларкан. -Ҳожилигингиз муборақ! - қўшиб қўйди, бошидан елкасига сийқилиб тушган ок ипак рўмолини қайта тузатар экан. Унинг вужуди титраётган, бўғзига нима-дур тикилаётган эди. Жойига бориб ўтирди-да, пиёлада қолган чойини хўплади. Ҳожи акани ҳам титроқ босган эди, ўтирганларга сездирмаслик учун фотиҳага қўл очиб юборди. Бармоқлари билан кўзини артиб қўйди.,

- Вой, Холидаҳон! Хўп, журъат қилибсиз-да!... Раҳмат! Болаларингиз, набираларингиз тинчми? ўзингизнинг соғлигингиз яхшими? Бирга ўйиган ўртоқлар ҳам тинчми?

-Раҳмат! Ҳаммаси тинч!... Кеча талабалик давридаги альбомни кўриб ўтириб, расмингизга кўзим тушди. Қилган яхшиликларингизни эслаб, сахар набирам билан йўлга чиқдик. Хизматларингизга рози бўласиз, - деди уялгансимон ийманиб.

-Ҳа, у ишларгами? ўша йиллари рози бўлганман. Бирга ўйиган талабалар бир-бирига шунчалик ёрдам беради-да!...-деди кулиб Ҳожи. Назирхон келтирган ўй-натма шўрва сўхбат мавзусини ўзгартириб юборди. Дада, аям янги сўйилган қўйнинг гўшт-ёғларидан олиб келипти. Шўрвани шу гўшт-ёғдан қилдим. Гуручидан кечкурун ош дамлаб бераман, - деди хурсанд бўлиб Назирхон.

-Аянгиз шунақа ўғли очик, сахий аёл, - деди Ҳожи ҳам. Шерзодбекни ҳам овқатга уйғотиб чиқишди. У Ҳожи бобонинг кичик ўғли Асрорбек билан нариги уйда ўтиришди. Кечки пайт айвон саҳнига сувлар сепилди.

Гулдор ўилиб ишланган баланд сўрига жой ўилинди. Ҳожи бобонинг ўғиллари, қизлари, келинлари, куёвлари келди. Набиралар ая билан ўз эналари билан кўришгандек кўришди. Кичкина тўй бўлди. Лаззатли паловни ҳамма зўр иштаҳа билан, “Олинг, олинг”лаб танавул қилдилар. Ҳамма кузади. Асрорбек билан Шерзодбек меҳмонхонадаги телевизордан футбол кўргани киришди. Назирхон билан Нодира ошхонада идиш-товоқларни йиғиштиришга тутинди.

Баланд сўрининг чеккасида Холида ая пар болишга суяниб, Ҳожи бобо билан у ёқдан, бу ёқдан гаплашиб ўтиришди: талабалик даврини, бирга ўқиган ўртоқларни, қизик-қизик воқеаларни эслашди. Охири ўзларининг ижтимоий аҳволларини гапиришга тутиндилар. Холида ая ўйишни тугатиб бориб, бир муҳандис йигитга турмушга чиқипти. Ундан бир ўғил, бир қиз кўрипти. Ҳозир бир ўғли, бир қизи бор. Ўғли врач, қизи Тошкентда фан номзоди.

Куёви ҳам, келини ҳам яхши оилаларнинг фарзандлари экан.

-Шукр, тинчмиз! Фақат болаларимнинг отаси фарзандларимнинг роҳатини кўрмай ўтиб кетди, - деди афсусланган ҳолда Холида ая. Холида ая кўлидаги пиёлани ўйнаб-айлантириб, секин ер остида қиз акага разм солди: Унга сездирмай кўзидаги ёшни артган бўлди.

- Сиз-чи? Сиз нима қилдингиз ўқишни тугатиб келиб? - деди.

-Мен ҳам соғ-саломат юрипман. Шу Сиз кўриб турган ҳовли-жой, ҳозир сиз билан кўришган йигит-қизлар меники. Сизга хизмат уилган келиним Назираҳон катта ўғлим Дилижоннинг оиласи. Дилижон бевақт қазо қилди: умри қисқа экан. Андижон қишлоқ ҳўжаллиги институтининг механизация бўлимини тугатди. Автомобил“ заводида ишлаб, ҳурмат қозонган эди. Тўсатдан юраги ушлаб, қазо қилди. Икки ўғли Акбаржон, Асрорбеклар ёш қолди,-деди-да, рўмолчаси билан юзини, кўзини силаган бўлди.

-Иложимиз қанча? Оллоҳнинг иродаси! Қолган фарзандларингиз саломат бўлсин!-деб Нодира ая юзига фотиҳа тортди.

Назирхон чиройли чинни чойнақда чой олиб келиб, иккала кексанинг сўхбатини бўлди.

- Мана бу қайноқ кўк чойдан ичинлар, ая!

Дада, Сиз куйинг! Олдин бир қайтариб олинг! - деди чойнақнинг устига ёғгани сочиқ узатиб.

-Узоқ йиллар ўрта мактабда оддий ўқитувчи, сўнг директор бўлиб тинмай меҳнат қилдим. Мактабдан бўш бўлдим томорқада, томорқада иш тугаса, (таътилда) савдо иши билан банд бўлдим. Хуллас, оилани ҳозирги сиз кўриб турган ҳолатга олиб келдим.

-Турмуш ўртоғингиз ҳам ўқитувчимиди?

-Йўқ! Менинг ўша даврдаги шароитимни кўрган одамлар қизини бергиси келмади. Дадаси урушда ўлган бир қизга уйландим. У умри бўйи далада оддий колхозчи бўлиб ишлади. У ўта меҳнаткаш аёл эди.

У киши билан учта бола ўстирдим, уларни ўқитдик, уйладик, қизларни чиқардик. Шунақа ишлар, Холидаҳон!... Яхшиям мен билан келмаганингиз, мен кўрган меҳнатларга, қийинчиликларга, руҳий азобларга чидамас эдингиз, - дедида, кулди.

Иккала кексанинг сўхбатини баланд сўрининг тепасида турган тўлин ой, оппоқ булутларни ёриб тинглаб турарди гўё!

Солижон Ҳожи олдидаги чойни ичди-да, янги дамланган чойдан қўйиб Холида аяга узатди. Ая пиёлани оларкан мажбуран кулиб:

-Чидар эдим! - деб юборди.

-Холидаҳон, талабалик йиллари Сиз билан турмуш қуришни жуда кўп ўйлардим. Сизнинг шароитингиз билан ўзимнинг шароитимни кечалари хаёлан солиштириб чиқардим. Сизнинг ҳам кўнглингиз бор эди. Рост-а?

-Ҳа, рост. Кўнглим бор эди. Уйларингни, ота-онанингизни қишлоғингизни бирга бориб кўриб келай, деганим эссингизда бўлса керак? - деди кулиб.

-Мен “хўп” дедим. Шанба куни бирга олиб келадиган бўлдим. Сиз эса дўстим Одилжоннинг “Отаси этик-дўз уста, қари. Онаси ҳам қари, ивирсиган кампир. Уйлари чекка бир хароб қишлоқда” деган гапидан кейин елкамга бир уриб:

-Ёлғончи, бормайман! Менга “ундай жойини, унақа оилани бориб кўрмайман!” - деган эдингиз.

-Тўғрими! Менинг мақсадим сизни олиб келиб шароит билан таништириш эди. Агар муҳаббати қатъий бўлса, шароитимни кўриб, рози бўлади, - деб режа тузган эдим. Сиз эса “Бормайман!” деб гапни узиб қўйдингиз.

-Мен ўшанда ёшлик қилган эканман, Солижон ака - деди ая уялгансимон. У анча мулзам бўлиб ўй суриб қолди.

-Шундай десангиз ҳам, Холидаҳон, Сизни ўзгалардан қизғонардим. Рост айтайми, жуда севардим. Эссингизда борми, истироҳат боғида хайрлашаётиб, кўзларимдан ёш чиқиб кетган. Сиз билан Қўқонга бирга кетмоқчи ҳам бўлдим. Лекин, ота-онамни ўша ҳолатда ташлаб кетишга виждоним йўл бермади. Аммо Сизга бўлган муҳаббат қалбимда, номингиз дилимда ҳозиргача турипти. Соф инсоний муҳаббат инсоннинг жисмида эмас, қалбида тураркан! Уни қалбдан чиқариб юбориш жуда қийин экан. Бир боқира қиз билан қирқ йил яшаб, қанча фарзанд кўриб (уни ҳам ниҳоятда ҳурмат қилган ҳолда) қалбимдаги Сизга бўлган муҳаббатни ўчира олмадим, Холидаҳон! Мени айбларсиз: “Изламадингиз”-деб. Бунга орият йўл қўймади. Ахир Сиз ҳам бир орият-номусли йигитнинг рафиқаси бўлган эдингиз-да! ... Иккаламиз қаридик, муҳаббатимиз қаригани йўқ!..

-Мен ҳам шунча йиллардан бери Сизга ўхшаб яшадим, Солижон ака! Гапларингиз тўғри, рост! Аммо на чора! Муҳаббатингиз, “Холидаҳон” деган ширин сўзларингиз қалбимдан сўнгани, қулоғимдан кетгани йўқ! Сиз изламадингиз. Мен аёл киши бўлсам ҳам Сизни излаб келдим. Бўйларингизни кўргим, овозларингизни эшитгим келди. Анчадан бери келишга баҳона излайман, топа олмайман. Яқинда топдим: қизларимга, ўғилларимга: диплом ишимни, курс ишларимни ишлаб берган курсдошимни рози қилибқўяй. Бу-қарз. Уни узишим керак, дедим. Улар рози бўлди, - деди-да, ўзи билмаган ҳолда бўшаган пиёлани узатиб, Ҳожи бобонинг кўзларига тўймагандай тикилиб турди. -Бир тоза кўйлак олиб келдим. Кийинг! Мени эслаб юарсиз,-деб қўшиб қўйди. Кичик батис рўмолчаси билан кўз ёшларини артди. -Муҳаббатингиз юрагимда турипти!..

Дада! аям чарчаб келган, дам олсин! - ваўт алламаҳал бўлди!-деди Нодира айвонда туриб. - Ая, иккаламизга уйга жой қилдим, - деб қўшиб қўйди.

Эрталабки нонушта кўнгилли ўтди. Холида ая кулимсираб туриб:

Солижон ака, битта илтимос: мен шу вақтгача Андижон шаҳрини, Асаканинг “Чўнтақ” деган жойини кўрганам йўқ. Мана машина! Бир айлантириб келсангиз, - деди кўлидаги пиёлани узатиб. - “Чўнтақ” қанақа жой?-деб қўшиб қўйди.

-Хўп. Борамиз. Шерзодбекнинг машинаси қолади. Асрорбекнинг машинасида борамиз. Тайёрланинлар! Акбаржон, ўғлим! Сен “Чўнтақ”даги Алижон аканинг чойхонасига борасан, беш кишилик палов буюрасан. Яхши, баҳаво айвонлардан бирини банд қил! Ўтирган одам Аравон, Марҳамат томонларни кўриб турсин! Бор! - деди.

Асрорбек оқ “Нексия”ни юргизди.

-Холидаҳон, шофёрнинг ёнига ўтиринг!

-Йўқ, мен орқада Нодираҳон билан ўтираман.

Улар Андижон шаҳрининг диққатга сазовор жойларини томоша қилишди.

Тушлик Асаканинг истироҳат боғда бўлди. Овқатдан сўнг ёшлар янги очилган ҳар хил ашёлар бозорига кетишди. Чойхонанинг сўлим, баҳаво сўрсисда яна икки нуроний кекса қолди. Сўхбат айланиб-айланиб, ҳожи бобонинг муддаосига келиб тўхтади.

-Энди, Холидаҳон, мени излаб келганингиз учун мингдан бир раҳмат! Бошим осмонга етди. Фарзандларим, қўни-қўшим олдида менинг обрўйимни оширдигиз. Иккаламиз ҳам, айтаверайми (кулиб):

-Айтоверинг! - кулди Холида ая ҳам ҳожи бобонинг мақсадини сезиб.

-Тўл қолибмиз. Қолган умримизни бирга ўтказсак. Хоҳланг, бизникида, хоҳланг сизникида!-деди-да, ўздан ўзи уялиб кетди, Кўзларини беркитди.

-Шундай қилсак, жон дер эдим, Солижон ака. Қизингиз ҳам кечкурун роса илтимос қилди. Мен ўғилларимдан, қизларим, куёвларимдан уяламан. Уларнинг юзига қандай қарайман. Юрагим сизга интиляпти. Уни орият тўсаяпти. Виждоним олдида нима деган одам бўламан... Сиз уйлансангиз бўлади: эркак кишисиз. Аммо бир-биримизга муҳаббат юрагимизда яшайди.

Бундан ўзгалар кулмайди. Энди ака-сингил бўлиб яшайлик, бир-биримиздан хабар олишиб турайлик. Кўзимиз кўзимизга тушиб турсин! Мехр - кўзда! Мен излаб келдим. Энди сиз излаб бориңг, - деди ая қатъият билан. Холида ая бир кеча Нодираҳонникида ётиб, эртасига эрталаб кетди. Кузатаётиб ҳожи бобонинг кўздан икки томчи тиниқ ёш юзига думалаб тушди. Буни атрофдаги одамлар сезмади. Дарҳол артди.

Олимжон РАҲИМОВ.

КЕЛАЖАК КУШАНДАСИ: УНГА ҚАРШИ КУРАШ БАРЧАМИЗНИНГ БУРЧИМИЗ

Ҳозирги кунда гиёҳвандлик бутун жаҳон жамоатчилигини ҳавотирда қолдирадиган даражада ёйилиб кетган. Кейинги 20 йил ичида кўп мамлакатларда гиёҳвандлик моддалари билан биргаликда психотроп наркотик моддалари истеъмол қилувчи наркоманларнинг сони кўпайиб кетди. Айтиш керакки касаллигига йўлиққан беморларда кузатиладиган ўзгаришлар асосан қарамлик ҳамда асаб тизимини шикастланиши билан ҳам боғлиқ. Охириги йилларда қарамлик ёшлар орасида учраши кўпаймоқда. Шу сабабли кенг тарқалиб келаётган психотроп дори-дармонларнинг ноқонуний муомаласига чек қўйиш мақсадида дорихоналар ва ноқонуний дори-дармонлар билан савдоси билан шуғулланувчи бозорларда, тунги клуб, спа салонлар ва массажхоналарда назорат текширувлари кучайтирилмоқда. Аммо ушбу назоратни қанчалик кучаймасин, биринчи навбатда фарзандларимизни, ёшларимизни ўзимиз ҳам қаттиқ назоратга олишимиз лозим.

Гиёҳвандлик жамиятни таназзулга йўликтирадиган аср вабосидир. Инсонни энг гўзал орзуларидан айираётган, ёшларимизнинг келажагини йўққа чиқараётган бу иллатларга қарши курашиш эл-юрт тақдирига бефарқ бўлмаган ҳар бир инсоннинг бурчи бўлиб қарамағи керак. Агар бугун кўзимизни очмасак, эртага ҳаммаси кеч бўлиши, бу кассаллик вабо каби сизу бизнинг яқинларимизни ҳам ўз домига тортиши мумкин.

Ғолибжон ҚОСИМОВ,

**Андижон вилояти Транспортда ХТБ
ЖҚГ катта тезкор вакили майор.**

Мирзохид ХАКИМОВ,
**Андижон вилояти Транспортда ХТБ
ХПБ катта инспектори капитан.**

Эълон

“Микрокредитбанк“ акциядорлик тижорат банки кузатув Кенгашининг 2023 йил 6 майдаги 29-сонли мажлис баёнига асосан Бош банкнинг ягона банк кодига (00433 МФОга) ўтказиш муносабати билан банкнинг Андижон вилояти Асака тумани И.Бухорий кўча 15-уй (почта индекси 170200) манзилида жойлашган “АСАКА“ банк хизматлари марказининг реквизитлари ўзгарганлигини маълум қиламиз “АСАКА“ банк хизматлари маркази МФО 00433, МВ коди 10159.

**“МКБАНК” АТБ Андижон
минтақавий филиали “АСАКА” банк
хизматлари маркази.**

БИЛДИРУВЛАР!

Туманда фаолият юритувчи якка тартибдаги тадбиркор Мамиров Сардорбекга тегишли думалоқ муҳр йўқолганлиги сабабли **БЕКОР ДЕБ ҲИСОБЛАНСИН.**

* * *

Сув таъминоти ва оқова сув объектлари қурилиш бўйича инжиниринг компанияси УК Андижон вилояти ҳудудий бошқармасига тегишли думалоқ муҳр йўқолганлиги сабабли **БЕКОР ДЕБ ҲИСОБЛАНСИН.**

Меросхўрлар диққатига!

Асака тумани Беклар МФЙ қовоқтўпи 14-кўчаси 208-уйда яшаган 2022 йил 23 август куни вафот этган марҳум Комилов Тохиржон Нўмонжоновичининг, Асака тумани Меҳнатобод МФЙ 14 котеж 4-хонадонда яшаб 2004 йил 24 ноябрь куни вафот этган марҳум Иминов Мамарашиднинг, Асака тумани Маркаюз МФЙ Бешбола кўчаси 146-уйда яшаб 2016 йил 26 февраль куни вафот этган марҳум Ахмедова Саидахоннинг, Асака тумани Бозорбоши МФЙ Бозорбоши кўча 34-уйда яшаб, 2022 йил 6 декабрь куни вафот этган марҳума Махмудова Майизхон Одилонанинг, Асака тумани Кужган МФЙ Чақмоқ маҳалласида яшаб, 2021 йил 26 июнь куни вафот этган марҳум Алибоев Умурзоқнинг, Асака тумани Дўрман МФЙда яшаб, 2016 йил 12 март куни вафот этган марҳум Абдуллаев Содиқжоннинг, мол мулкига нисбатан мерос иши очилиши муносабати билан барча меросхўрларни Асака тумани Соҳилбўйи кўчаси 8-уйда жойлашган хусусий амалиёт билан шуғулланувчи нотариус Н.Хоналиевга мурожаат қилишлари сўралади.

Асака тумани Занкент маҳалласида яшаб, 2014 йил 20 декабрь куни вафот этган марҳума Иминова Написaxonнинг, Асака тумани Дўнг маҳалласида яшаб, 2006 йил 2 май куни вафот этган марҳум Рузиев Шокиржоннинг, Асака тумани Саноатчи кўчасида яшаб, 2015 йил 24 май куни вафот этган марҳума қулдашова Аимчахоннинг, Асака тумани Гумбаз кўчасида яшаб, 2012 йил 21 апрель куни вафот этган марҳум Алимов Раимнинг, Асака тумани Бозорбоши маҳалласида яшаб, 2020 йил 24 апрель куни вафот этган марҳум Турдиев Хамидилло Закирджоновичнинг, Асака тумани Янгиобод маҳалласида яшаб, 2021 йил 20 сентябрь куни вафот этган марҳум Ахмедов Адилжоннинг, Асака тумани Дўнг маҳалласида яшаб, 2020 йил 21 сентябрь куни вафот этган марҳум Эргашев Турғунбойнинг, Асака тумани Тоштепа маҳалласида яшаб 1998 йил 5 апрель куни вафот этган марҳум Базаров Абдулахатнинг, мол-мулкига нисбатан мерос иши очилиши муносабати билан барча меросхўрларни Асака тумани Умид кўчасида жойлашган хусусий амалиёт билан шуғулланувчи нотариус М.Қурбоновга мурожаат қилишлари сўралади.

Асака тумани Чек МФЙ Навнихол кўча 23-уйда яшаб, 2019 йил 22 май куни вафот этган марҳум Эгамбердиев Иномжон Исмоиловичнинг, Асака тумани Олақанот МФЙ Олақанот маҳалласида яшаб, 2009 йил 1 октябрь куни вафот этган марҳум Маматов Комилджоннинг, Асака тумани Арғин МФЙ Арғин кўчаси 13-уйда яшаб, 2015 йил 9 сентябрь куни вафот этган марҳума Қурбонова Вилоятхоннинг Асака тумани Қипчоқ МФЙ Холмаддодхох кўчаси 133-уйда яшаб, 2010 йил 4 июнь куни вафот этган марҳум Холмирзаев Толибнинг, Асака тумани Мўдай маҳалласида яшаб, 2007 йил 16 январь куни вафот этган марҳум Сарбоев Азамджоннинг, Асака тумани Дўрман МФЙ қирвош кўчаси 53-уйда яшаб, 2023 йил 3 март куни вафот этган марҳум Умаров Абдураим Юлдашевичнинг, Асака тумани Ўзбекистон МФЙ Юсуф Халфа маҳалласи 42-уйда яшаб, Ю 2020 йил 23 январь куни вафот этган марҳум Тўрабоев Қосимжоннинг, мол-мулкига нисбатан мерос иши очилаётганлиги муносабати билан барча меросхўрларни Асака шаҳар Барака МФЙ Умид кўчасида жойлашган хусусий амалиёт билан шуғулланувчи нотариус И.Исломов бошчилигидаги нотариал идорасига мурожаат қилишлари сўралади.

Асака тумани Навбахор МФЙ Чўмбоғич кўчаси 48-уйда яшаб, 2019 йил 8 январь куни вафот этган марҳум Тешабоев Миролим Абдуқаххоровичнинг, Асака тумани Ибн Сино МФЙ Кўнгил кўчаси 44-уйда яшаб, 2002 йил 23 октябрь куни вафот этган марҳум Абдураимов Абдурахмон Абдукаримовичнинг, Асака тумани Барака МФЙ Асака 3-тор кўчаси 13-уйда яшаб, 2014 йил 31-март куни вафот этган марҳум Тагиров Вячислав Аҳмедовичнинг, Асака тумани Озод МФЙ Озод кўчаси 1-уйда яшаб, 2023 йил 22 апрель куни вафот этган марҳум Қўчқаров Иминжоннинг, Асака тумани Юўори Юҳз МФЙ Фарғона кўчаси 62-уйда яшаб, 2021 йил 12 ноябрь куни вафот этган марҳум Тўйчиева Сабохоннинг мол-мулкига нисбатан мерос иши очилиши муносабати билан барча меросхўрларни Асака тумани Соҳил бўйи кўчаси 9-уйда жойлашган хусусий амалиёт билан шуғулланувчи нотариус А.Аминовга мурожаат қилишлари сўралади.

Асака тумани Байналминал МФЙ Эски Андижон 1-тор кўчаси 14-уйда яшаб, 1994 йил 13 февраль куни вафот этган марҳума қамбарова Иноятхоннинг, Асака туманида яшаб, 2017 йил 4 февраль куни вафот этган марҳума Муминова Мархабохоннинг, Асака туманида яшаб 2016 йил 13 сентябрь куни вафот этган марҳум Қўлдашев Таджимаматнинг, Асака тумани Хумо кўчаси 40-уй 39-хонадонда яшаб, 2003 йил 10 январь куни вафот этган марҳум Даминов Расуль Юсуповичнинг Асака туманида яшаб 2018 йил 28 август куни вафот этган марҳум Джураев Абдусалом Латиджоновичнинг мол-мулкига нисбатан мерос иши очилиши муносабати билан барча меросхўрларни Асака тумани Ғ.Ёкубов кўчаси 8-уйда жойлашган хусусий амалиёт билан шуғулланувчи нотариус С.Салоҳиддиновга мурожаат қилишлари сўралади.

Асака тумани Қўнғирот МФЙ Узун кўчаси 97-уйда яшаб 2019 йил 30 ноябрь куни вафот этган марҳум Хошимов Мирзажон Хошимжоновичнинг мол-мулкига нисбатан мерос иши очилиши муносабати билан барча меросхўрларни Асака тумани Чек МФЙда жойлашган хусусий амалиёт билан шуғулланувчи нотариус Х.Халимовга мурожаат қилишлари сўралади.

**Asaka
hayoti**
МУАССИС:
**Асака туман
ҳокимлиги.**

**Мухаррир
Раъно Атабоева.**

Газета Андижон вилояти матбуот ва ахборот бошқармасида 2011 йил 11 февралда № 04-016 тартиб рақами билан рўйхатга олинган.

Тахририят манзили:
Асака шаҳри, Соҳил бўйи
кўчаси, 6-уй, 32-хона.

Нашр кўрсаткичи: 64713. Офсет усулида босилган.
Ҳажми 1 босма табоқ. Қўғоз бичими А-3.
Баҳоси келишилган нархда.

Телефон: 232-35-73.
E-mail Asaka_hayoti@www.uz.

Тахририятга келган қўлёзмалар тақриз қилинмайди ва қайтарилмайди.

Газета сифати учун
босмахона жавоб беради.

Тижорат белгиси —(t)

Буюртма № 508.
Тираж: 1000.

Босишга топшириш вақти 19.00
Топширилди: 17:00.

Газета «Наманган Полиграф Пресс»
МЧЖ компьютер марказида
саҳифаланиб, чоп этилди.
Босмахона манзили:
Наманган вилояти, Наманган шаҳри,
Навий кўчаси, 36-уй.

Навбатчи: Д.Ҳозирова.

